

## А Ж Р И М

(жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиш ҳақида)

2023 йил 17 июнь

Тошкент шаҳар

Жиноят ишлари бўйича Олмазор туман суди, суд биносида, очиқ суд мажлисида, қуйидаги таркибда:

Судья Х.Содиқовнинг раислигида,

судья ёрдамчиси Ш.Юлдашевнинг котиблигида, Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдузохиров ва Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими инспектори иштирокида, Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғининг

**Акбаров Алишер Ахраржонович** 06.04.1984 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, муқаддам судланган, оилали, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Умид МФЙ Қора Қамиш 2/3-дахаси 12-уй 3-хонадонда яшовчига

нисбатан жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тўғрисидаги тақдимномасини йиғма жилд материаллари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

А.Акарбов жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа тумани судининг 27.11.2018 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,169-моддаси 3-қисми “а” банди билан айбдор деб топилиб, ЖКнинг 60-61-моддасига асосан 5 (беш) йил 6 (олти) ой мудатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Тошкент вилояти Олмалиқ тумани ЖИБ суди тоғмонидан 09.06.2021 йилнинг ажримига А.А.Акарбовнинг ўталмай қолган 2 йил 8 ой 26 кун озодликдан маҳрум қилиш жазосини ЖКнинг 74-моддаси тартибида ўташ учун узул-кеси иш ҳақининг 20%ни давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 8 ой 26 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ўзгартирилган.

А.Акарбовга нисбатан чиқарилган ҳукм Олмазор туман ИИО Пробация бўлими ҳисобига 16.06.2021 йил олинган. Унга “Ахлоқ тузатиш ишлари” жазо турини ўташ тартиб-қоидалари тушунтирилган ва уларга риоя қилиши тўғрисида тилхат олиниб, “МЕВА UZ” МЧЖда ишга кирганлиги сабабли шу ерда ишлаб ҳозирги кунга қадар жазо муддатини ўтаб келмоқда, ўтган вақт ичида ўрнатилган тартиб қоидаларга риоя этганлигини, жазони ўташ даврида ўзини жиний қилмишларини тўлиқ англаб етиб, тузалиш йўлига қатъий ўтиб, белгиланган таъқиқлар (чекловлар) ва мажбуриятларга амал қилиб келаётганлигини ҳисобга олиб маҳкумни ўталмай қолган “Ахлоқ



тузатиш ишлари” жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилишни сўраб Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғи тақдимнома киритган.

Тайинланган жазонинг 1 (бир) йил 11 (ўн бир) ой ўталган, ўталмаган жазо муддати 9 (тўққиз) ой 26 (йигирма олти) кунни ташкил қилади.

Суд мажлисида А.Акбаров, у содир этган қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини, ҳозирда “Ахлоқ тузатиш ишлари” тариқасидаги ўталмай қолган жазо муддатини муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Суд мажлисида Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими инспектори, ҳақиқатдан ҳам маҳкум А.Акбаров Пробация бўлими ҳисобида туришини, А.Акбаровни “Ахлоқ тузатиш ишлари” тариқасидаги ўталмай қолган жазо муддатини муддатидан илгари озод қилишни сўради.

Суд мажлисида Олмазор туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Абдузохиров Олмазор туман ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғи тақдимномасини қаноатлантиришни сўради.

Суд иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, туман прокурори катта ёрдамчисининг киритилган тақдимномани қаноатлантиришни сўраб берган хулосасини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 73-моддаси 3-қисми “б” бандида кўрсатилган талаблардан келиб чиқиб, киритилган тақдимномани қаноатлантиришни ва А.Акбаровни “Ахлоқ тузатиш ишлари” жазосини ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилишни лозим деб топади.

Юқоридагиларга асосан ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 423, 541-моддаларига асосланиб, суд

### **А Ж Р И М Қ И Л А Д И:**

Тошкент шаҳар Олмазор тумани ИИО ФМБ Пробация бўлими бошлиғининг тақдимномаси қаноатлантирилсин.

**Акбаров Алишер Ахраржоновичга** тайинланган жазонинг ўталмаган қисми, яъни 9 (тўққиз) ой 26 (йигирма олти) кунни “Ахлоқ тузатиш ишлари” жазосидан муддатидан илгари шартли озод қилинсин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилиниб, жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан янги жиноят содир этилган тақдирда ЖКнинг 60-моддасига мувофиқ жазо тайинланиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма кун ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Раислик қилувчи судья**

**Х.Содиқов**

